# Qishloq hayoti

2010 йил — Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 29-YANVAR, JUMA, 13 (7630) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




"Ўзагросуғурта" компанияси томонидан суғуртанинг янги турларини татбиқ этишга катта эътибор қаратилиши натижасида ҳозирги кунда уларнинг сони 70 дан ортиб кетди. Компаниянинг ҳудудлардаги дирекциялари ҳукуматимиз қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.



Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, люмбрицидлар оиласига мансуб тупроқ чувалчангларининг 100 га яқин тури бор. Уларнинг 10-15 тури кенг тарқалган. Афсуски, ҳозирда уларнинг кўплаб тури йўқолиш арафасида. Шу боис "Қизил китоб"га киритилган.



Ўйинчоқ шунчаки овунчоқ эмас. Мазкур воситалар эндигина жисмонан ва маънан шаклланаётган боланинг бизни қуршаб турган оламни идрок этишидаги аҳамияти катта. Бу эса фарзандларимизга ўйинчоқ танлашда янада эътиборли ва синчков бўлишни талаб этади.

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда



# Бахтиёр авлод камолоти

## Қарши давлат университети қошидаги 4-академик лицей биноси қуриб фойдаланишга топширилди

795 ўринли билим даргоҳида 18 та ўқув хонаси, 2 та компьютер ва лингафон хоналари бўлиб, физика, кимё, биология хоналари ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Ахборот-ресурс марказида етти мингдан ортиқ китоб бўлиб, куни кеча бу ерга республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан яна минг дона ўқув дарсликлари келтирилди.

— Лицейимизда Қарши шаҳри, қолаверса, вилоятимиз туманлари, қўшни Сурхондарё вилоятидан ҳам илмга чанқоқ ёшлар билим олишади, — дейди академик лицей директори Алишер Жамолов. — Мамлакатимизда ёш авлод камолотига қаратилаётган эътибор самарасини ўқув масканимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

**СУРАТДА:** *табиий фанлар йўналиши бўйича ўқитувчи Нодира Холбоева кимё фани бўйича лаборатория машғулотида.*

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

# ҚАРОРИ

# «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилингани муносабати билан:**

**1.** "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

"Соғлом она — соғлом бола" дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кучайтириш;

тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

(Давоми 2-саҳифада)

*Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида умумий қиймати 71,4 миллион сўм бўлган саккизта фундаментал ва амалий лойиҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.*

# ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 7 августда қабул қилинган "Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг янги тизими жорий қилинди. Бу тизим илмий йўналишдаги барча соҳа олимларини бирлаштириш, илмий тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш ва самарали, йирик инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда.**

**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори Фармон МАМАТОВ ЎзА мухбири билан суҳбатда музкур илм даргоҳида янги инновацион ғоялар асосидаги технологиялар ва илмий ишланмаларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.**

— Институтимиз олимлари тақдим этаётган инновацион лойиҳаларнинг асосий қисми аграр соҳага тааллуқлидир. Жумладан, 2009-2011 йилларга мўлжалланган "Пахта ва сабзавот экинлари қатор ораларига ишлов берувчи яхлит ишчи органли орқа осмали универсал культиваторни ишлаб чиқиш", "Тупроққа ишлов бериш ва экишга тайёрлаш учун кўп функцияли комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш", "Озуқаларга иссиқлик билан ишлов берувчи узлуксиз таъсирли аралаштиргични ишлаб чиқиш", "Ўзбекистон иқлим шароитида оқава сувларни иккиламчи тозалаш ва ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш усули", "Қашқадарё вилояти шароитида қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг ноанъанавий технологияларини қўллаш билан суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, лалми майдонларда экиладиган буғдой уруғчилигини ташкил этиш ҳамда унинг ташқи муҳит таъсирларига чидамлилигини ошириш" каби лойиҳалар бугунги кунда амалиётга татбиқ этилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси институтимиз олимлари томонидан яратилаётган илмий ишланмалардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишда, пахтачилик, уруғчилик ва қишлоқ хўжалигини механизациялашда самарали технологияларни жорий этиш бўйича хўжаликлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона вилояти

# Қишлоқ кўркига кўрк қўшди

**Олтиариқ туманида аҳолининг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.**

Ободонлаштириш ишлари туман марказидаги Деҳқон бозоридан бошланиб, катта йўл ёқасидаги биноларнинг ташқи кўринишларига безак бериш, қайта таъмирлаш ишларигача давом эттирилди. Айниқса, Президентимизнинг қишлоқ аҳолисини янги, замонавий, ҳар тарафлама қулай уй-жойлар билан таъминлаш тўғрисидаги қарорига асосан тумандаги Бўрбонлиқ қишлоғи ҳудудида қад ростлаган 46 та замонавий турар-жой бинолари қишлоқ кўркига кўрк қўшди.

Бу йил Олтиариқда яна 105 та янги, замонавий турар-жой бинолари қад ростлайдиган бўлди. Лойиҳага асосан бу ерда маҳалла гузари, спорт майдончаси, болалар боғчаси, маданий-маиший хизмат уйлари ҳам фойдаланишга топширилади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

# "O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI"нинг ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

*28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан ташкил этилган "O'zbekiston havo yo'llari" Миллий авиакомпанияси фаолиятига 18 йил тўлди.*

Ушбу йиллар давомида авиакомпания фуқаро авиациясида муҳим ўрин тутди ва ўз фаолиятини такомиллаштириш борасида Марказий Осиё минтақасида биринчилардан бўлди. Авиакомпания мутахассислари республикамиз авиациясининг энг яхши анъаналарини жаҳон авиациясида эришилган ютуқлар билан бирлаштириб, самарадор, сифатли ва барқарор тузилмани ташкил этган ҳолда янги бизнес-қарорлар ҳисобига ўсиш суръатлари ва корхона рентабеллигини таъминлашга эришмоқда.




Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2020 йилгача фуқаро авиациясини ривожлантириш Давлат дастури Миллий авиакомпания фаолияти доирасида изчил амалга оширилмоқда. 2008 йилнинг охиридан бошлаб дунёда авиаташувлар ҳажми пасайиб кетди. Бироқ ички бозорда сифатли ва мақбул нархдаги авиаташувларга бўлган эҳтиёж юқорилигича қолди. Авиакомпания ушбу эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ўз стратегиясига тузатишлар киритди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

**Ховос тумани Э.Қаҳҳоров номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги "Жарбоши Қўшбулоқ" фермер хўжалиги раҳбари Мансур Юнусов уч йил аввал қўйчилик фермаси ташкил этган эди.**

# ФЕРМЕРНИНГ ҚЎЙЧИЛИК ФЕРМАСИ

40 бош қўй сотиб олиб, фермада фаолиятини бошлаган чорвадор ҳозирда қўйлар сонини 140 бошга етказди. Шу йил қўзилатиш мавсуми кўнгилли ўтказилса, қўй-қўзилар сони 250 бошдан ошиб кетади. Фермер яйлов учун ажратилган 37 гектар майдоннинг 10 гектарида бедазор барпо этди, қўй учун тўйимли озуқа — арпа етиштиришни йўлга қўйди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**


Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ергеодезкадастр”, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзкимёсаноат”,“Ўзагросуғурта”, “Ўзвиносаноат-холдинг”, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниялари, “Ўзпахтасаноат”, “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати”, Ўзбекистон фермер хўжаликлари, “Ўзагромашсервис”, “Ўзгўштсутсаноат” уюшмалари, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, Халқ банки, “Гидрометеорология” бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, “Ўздавдонинспекция”, “Сифат” маркази

Наманган Вилояти

*"Ўздонмаҳсулот" компанияси корхоналарида*

**Миллий қадриятларимиз ва ўлмас анъаналаримизга кўра нон энг азиз неъмат сифатида доимо қадрлаб келинган. Турли ноз-неъматлар бўлсаю, дастурхонга нон қўйилмаса, ўзбекнинг кўнгли тўлмайди. Таомланишни ҳам нондан бошлашимизнинг ўзиёқ бу неъматни нақадар улуғлигидан далолатдир. Энг тансиқ таом ҳам нонни ўрнини боса олмайди. Ҳамюртларимиз айрим мамлакатлардан сафардан қайтгач, таассуротларини сўзлар экан, ҳамма нарса яхши экану, нонга сал қорин тўймас экан-да, деб айтганларини кўп эшитганмиз.**

# Модернизация — сифат ва самарадорлик гарови



Қишлоқларимизда тандирда нон ёпмайдиган хонадон йўқ ҳисоби. Ён қўшнилардан бирининг тандири деворнинг бу томонида бўлса, яна бириникини у томонига қуриш одат бўлган. Қайси бири нон ёпса, қўшнисига иккита нон илинади. Шунақа самимий олди-бердининг ўзиёқ ён қўшнини жон қўшнига айлантиради, чоғи. Муҳими, тандир тўла нон ёпилса, кўнгиллар тўқ, оилада хотиржамлик бўлади. Эндигина узилган иссиққина нон ҳидининг биз билган-билмаган сеҳр-қудрати ҳам шунда бўлса керак.

Ўша куни Наманганнинг Нурobод даҳасида ишга тушган қолипли нон тайёрлаш цехига кирган чоғдаёқ нон ҳиди димоғимизга урилди. Беихтиёр болалик хотираларим уйғониб қолди. Онам хамир қилганларида мен ўт қалаб тандирни қиздирардим. Тандирга ғўзапояни бир хил олов берадиган қилиб ёқишнинг ҳам йўлини ўргатган эди. Онам ҳар гал, албатта, менга атаб ёғли кулча, пиёзли нон пишириб берарди...

Хамир бўлаклаётган, қолип ёғлаётган, нон пишираётганлар кўзимга жуда ҳам азиз кўриниб кетди. Ҳамроҳим цех бошлиғи Содиқжон Маҳмудов эндигина пишган нонни олиб келиб столдаги ликопчага қўйди. Шакли шамойили аввалгиларига ўхшаб кетса-да, жозибаси бошқачароқ. У нонни ушатиб, насиба олишга таклиф қилди. Мағзи ширин, хуштаъм экан. Бозору дўконларнинг у ер-бу ерида сотилаётган кўримсиз ва ҳажми кичик қолипли нонлардан афзаллиги сезилади. Бир хилда қизариб пишган нон эътиборни ўзига жалб қилиб турибди.

— Нон ишлаб чиқариш цехларини модернизация-реконструкция қилиш бўйича дастурга кўра Германиянинг Вахтел печи жамламаси (Wachtel Gmbh Co) олиб келиб ўрнатилди, — дейди Содиқжон Маҳмудов. У юксак технологиялар асосида яратилган, ихчам ва автоматлаштирилган ускуналар вазифалари билан бизни яқиндан таништирди.

— Бир кеча-кундузда уч тоннагача нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлган бундай хорижий дастгоҳлар пойтахтдаги "Донмаҳсулотпласт" масъулияти чекланган жамияти томонидан шартнома асосида келтирилган. Ҳозирча нон тайёрлаш ишлари икки сменада ташкил этилди. Ўн нафар ёшларга янги ишчи ўринлари яратилгани айни муддао бўлди. Бундай дастгоҳ табиий газ ёрдамида ишлайди. Йигирма хилгача бўлган нон ва булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Харидор кўзини қувонтирадиган, бир-биридан чиройли ва хуштаъм нон маҳсулотлари турларини кўпайтириш учун турли шаклдаги қолипларга буюртма берилди.

— Иш бошлаганига бир ой бўлмасданоқ, ноннинг сифати ҳақидаги овозалар Наманган шаҳрига тарқалиб кетди, — дейди бу жамоа маҳсулотига харидор бўлиб шартнома тузиш учун келган тадбиркорлардан бири. Ҳа, бу ердан оладиган тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришни режалаштираётган тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бораётгани кишини қувонтиради.





Германиядан келтирилган қолипли нон печи жамламасининг яна бир афзаллиги, нон пишириш учун аввалгиларига қараганда беш марта кам газ сарфланади. Бу цехда ишлаётганларнинг қўли қўлига тегмайди. Замонавий ва ихчам дастгоҳлар ёрдамида тайёрланган хамирни Маъруф Вафоев бўлаклаётган бўлса, Аюбхон Собиров қолипларни ёғламоқда. Нон пиширувчи Шокир Алиев эса печдан тайёр бўлган маҳсулотларни олиб, ўрнига янгисини қўймоқда.

Хуллас, замонавий технологиялар асосида нон маҳсулотлари тайёрлаш жараёнларини кузатиб, наманганлик ғаллакорлар етиштирган ундан тайёрланаётган нон маҳсулотлари сифатига ҳавасимиз келди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, иссиқ нон цехини модернизация-реконструкция қилиш учун "Наманганданмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти ўзининг ички имкониятларидан фойдаланиб, бу ишга 100 миллион сўм маблағ сарфлашни режалаштирган эди. Цехнинг ишлаб чиқариш хоналари сифатли таъмирланди. Унинг ташқи томони пардозланиб, олд томондаги майдончага арчалар экилди, баҳорда бу жой гулзорга айлантирилади. Дастгоҳларни эса "Олтин хирмон" жамоаси ўрнатиб, монтаж қилиб берди.



**Замонавий қолипли нон печи жамламасининг яна бир афзаллиги, нон пишириш учун аввалгиларига қараганда беш марта кам газ сарфланади.**

— Яқин ойларда яна битта шундай Вахтел печи жамламаси олиб келиб ўрнатамиз, — дейди акциядорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Аҳмаджон Мамажонов. — Ҳар жиҳатдан бизга манзур бўлган бу дастгоҳлар буюртмаси учун зарур маблағ ўтказиб берилди.

Аҳмаджон Мамажоновнинг бу янгилиги, албатта, шаҳардаги кенг миқёсли қурилишларни, янгиланишларни амалга ошираётган ҳамюртлари учун мароқли хушхабардир.

Тилагимиз — юртимиз тинч бўлсин, дастурхонларимиз неъматлар султони аталмиш нон маҳсулотларига тўлиб-тошаверсин!

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Мутахассис фикри*

# ТУПРОҚНИ БОЙИТУВЧИ "ФАБРИКА"

**Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, люмбрицидлар оиласига мансуб тупроқ чувалчангларининг 100 га яқин тури бор. Уларнинг 10-15 тури кенг тарқалган. Афсуски, ҳозирда уларнинг кўплаб тури йўқолиш арафасида. Шу боис "Қизил китоб"га киритилган.**



Чувалчанглар ҳар хил узунлик ва катталикда бўлиб, тупроқнинг юза чим қавати, ҳайдалма ва қуйи қатламларида яшайди. Юза қатламда ҳаёт кечирувчиларининг узунлиги 9-13 см, ҳайдалма қатламдагилари 13-25 см ва қуйи қатламда ҳаёт кечирувчи турлари эса 40-45 см атрофида бўлади. Улар узоқ Сибирдек совуқ минтақадан тортиб Марказий Осиёнинг жазирама шароитларида кенг тарқалган. Бундан ташқари, Америка қитъасида ҳатто узунлиги 2-2,5 метр келадиган илонсимон чувалчанглар ҳам яшайди.

Чувалчанглар шу турдаги жониворлар сингари тупроқнинг макрофаунасини ташкил қилади ва муҳитнинг қулай ёки ноқулайлигига қараб ривожланиши турли даражада бўлади.

Чувалчанглар тупроқнинг қуйи қатламларигача қисмида кўплаб тешикча, яъни капролитлар ҳосил қилади ва тупроқ заррачаларини ўз танаси орқали ўтказиб, шу тариқа чиринди ҳосил бўлиш жараёнида фаол иштирок этади. Натижада, бундай ҳол ўсимлик илдиз тизимининг тупроққа чуқурроқ кириб бориши учун қулай имконият яратади.

Агарда тупроқ юза қатлами органик массага бой бўлса 1 $м^2$ майдонда чувалчанглар сони 1000 донагача, ҳар йили ҳайдаладиган майдонларда эса 100-300 дона атрофида бўлади. Чувалчанглар тупроқнинг нафақат ҳаво алмашиниши, балки сув ўтказувчанлик қобилиятини ҳам яхшилайдики, бу ҳосилдорликни ошириш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир, албатта.

Яна бир жиҳати шундаки, чувалчанглар ўсимлик ва тупроқ жониворларининг органик қолдиқлари билан ҳам озиқланади. Бу озуқалар чувалчанг танасида 1-2 кун ичида қайта ишланиб, чиринди таркибини бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, чувалчанглар тупроқдаги заҳарли моддалар — ингибаторларни ҳам ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатда келтириб, парчалайди.

Чувалчанглар бир қатор омиллар боис камайиб кетмоқда. Кимёвий ўғитлар ва заҳарли моддалардан фойдаланиш оқибатида, шунингдек, қушлар ва тупроқ жониворлари озуқасига айланиши бунга асосий омил бўлаётир. Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг катта паразит чивини ҳам чувалчанг учун хавф туғдиради. Урғочи чивин айнан чувалчанг йўлларига тухум қўяди. Ундан чиққан кушанда — қурти чувалчанглар билан озиқланиб, 4 ҳафта давомида 4-5 авлод бериб, тез кўпаяди.

Деҳқончиликни илмий агротехника талаблари асосида ташкил қилар эканмиз, атроф-муҳит мусаффолиги, қолаверса, тупроқ унумдорлигию ҳосилдорликни оширувчи омилларга, хусусан чувалчангларга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоғимиз зарур бўлади.

**Зубайдулло ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
**СамДУ "Экология ва агрокимё" кафедраси мудири, профессор.**
**Хидирали БОТИРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Андижон Вилояти

# ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

***Андижон томонларга борганлар кўришган, албатта. Ҳар бир кўчанинг, ҳар бир маҳаллаю қишлоқнинг гулзорлари бор. Эрта баҳордан то кеч кузгача таровот бахш этгувчи гулзорларни яратишга ёшу қари гулчилар бирдек киришади.***

Куни кеча Олтинкўл туманидаги Кўмакай қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Абдуқаҳҳор Акбаровнинг хонадонида қиш фасли бўлишига қарамасдан гуллар байрами бўлиб ўтди. Вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, жамоатчилик вакиллари, қўйингки, юрт ободлиги ва фаровонлиги йўлида ҳамиша изланишда, интилишда бўлаётган инсонлар ушбу хонадонда гулчилар шарофати билан юзага келган таровaт, файзбараканинг гувоҳи бўлишди. Инсон қўли билан яратилган мўъжизамисол табиат гўзаллигидан ҳайратда қолишди.



Абдуқаҳҳор 800 дан зиёд навдаги, минг хилдан ортиқ гулларни очиқ ҳамда иссиқхона шароитида парвариш қилаётганлиги ҳақида шу қадар содда тарзда айтиб бердики, бундан тўлқинланмаган меҳмоннинг ўзи қолмади. Дунёнинг турли томонларидан келтирилган гулларнинг хусусиятлари, кўчат етиштириш технологияси, парвариш қилишнинг сир-синоатлари ҳақида тўлиб-тўлиб сўзлади.

Айтайлик, асли ватани Ҳиндистон бўлган "Агава" навли гул 18 йилда гуллайди. Жанубий Осиё мамлакатларига мансуб бўлган Пальма дарахтидан ҳосил олиш ҳам ўта сабр-тоқатни талаб этади. "Папая" дея номланувчи қовун дарахти ҳам эгасини кўп йил синовдан ўтказгандан сўнггина ҳосилини кўрсатади. "Қора шаҳзода" гули ҳам шундай хусусиятга эга. Бу хонадонда лимон, мандарин, апельсинларнинг хилма-хил навлари бор ва босқичма-босқич ҳосилга кириб боряпти. Гулзор ила мўъжиза ярата олган Абдуқаҳҳорнинг зироатчиликдаги ютуқлари узоқ йиллик машаққатли меҳнатлари маҳсулидир.

— Муболағага йўйманг, — дейди Абдуқаҳҳор Акбаров. — Ёшим қирқ еттида бўлса-да, қирқ йилдан буён гулзор оралайман. Раҳматли ота-онам гулни шу қадар яхши кўришарди. Падари бузрукворим ўзи суйган гулни онамга, онам эса отамга илинарди. Айниқса, онамнинг қулоқларидан саъдарайҳон ва жамбил тушмасди. Дастурхон ёзилди дегунча унга биринчи бўлиб гул ва ифори юқори бўлган доривор гиёҳлар қўйиларди. "Қуш уясида кўрганини қилади", деганлар ҳақ экан. Гулчиликка шу қадар берилиб кетибманки, буни кўрган ота-онам "Сен, албатта, бу ишингдан барака топасан", дея дуо қилишарди. Шу ҳунарим, касбим орқали элга танилдим. Хонадонимизга бугун минглаб инсонлар қадам қўйганликларида ота-онамнинг дуолари ижобатидан кўнглим тоғдек бўлди.

Жами тўрт сотихли 3 та иссиқхонада бир қарич ер ҳам бўш қолмаган. Қиш фаслида дарвозахонадан киришингиз биланоқ унинг икки томонидаги катта-кичик тувакларда, уч-тўрт қават қилиниб парваришланаётган юзлаб гулларга кўзингиз тушади. Уйларнинг ичида ҳам гуллар. Ҳатто, қирқ даража совуққа ҳам чидамли гуллар борлиги ҳақида Абдуқаҳҳор Акбаровдан эшитиб ҳайрон қолдик.



Хонадон бекаси Замирахон, фарзандлари Қаҳрамон, Зиёдахон, Зилолахонлар ҳам гулчилик сирларини яхши билишади. Уларнинг ҳам ўз тажриба участкалари бор. Бу хонадон ҳаётини гулсиз тасаввур қилиб бўлмас экан. Саранжом-саришта хонадон аъзолари бир-бирларига меҳрибон, худди гулга муносабат қилгандай! Абдуқаҳҳорнинг бир гапи барчанинг қулоғида қолди: "Табиати покиза одам, албатта, гулни севади".

Ҳадемай баҳор келади. Андижонда ободончилик ишлари эртароқ бошланиб, то кеч кузгача давом этади. Бу савобли иш бошида эса Абдуқаҳҳор каби фидойи инсонлар туришади.

Шу куни вилоят ҳокими юрт гўзаллиги йўлидаги меҳнатлари, томорқа хўжалиги ишини ташкил этишдаги ибратли ишлари учун Абдуқаҳҳор Акбаровлар хонадони соҳибларини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

*Тадбиркорлик*

**Касбилик Арслон Аминов дилидагини тилида ифода этадиган фидойи инсонлардан бири. Паррандачиликда ўзига хос тажрибага эга тадбиркор "Сиддиқова Наргиза" фермер хўжалиги раҳбари Раъно Саидова билан хайрли ишга қўл урди. Ҳар бири юз бош паррандага мўлжалланган замонавий товуқхонадан 30 таси харид қилинди.**

# МЕҲНАТ ГАШТИ ДАРОМАДДАН

Туман автомобиль йўллари бошқармасига қарашли ҳудуддан бир вақтлар таъмирлаш устахонаси бўлган айвон ижарага олиниб, ёпиқ ҳолда хона бунёд этилди. Шаҳрисабз туманидаги "Оқсарой" МЧЖдан уч минг бош "Ломанд шавер" зотли жўжалар келтирилди.

— Германиянинг бу зотдор жўжалари 154 кунда тухумга кирди. 2009 йилнинг май ойида иш бошлаган бўлсак, 1100 бош товуқ октябрдан тухум бера бошлади, — дейди фермер хўжалигининг паррандачилик бўйича ўринбосари Арслон Аминов. — Икки ойда 30 минг дона тухум сотдик. Ялпи даромад олти миллион сўмни ташкил этди.

2010 йил ҳам баракали бўляпти. Дастлабки кунларда 16 минг дона тухум етиштирилди. Режаларимиз янада юксак. Она товуқлар сонини икки минг бошга кўпайтирмоқчимиз. Ана шунда тухум берадиган товуқлар сони уч минг бошдан ошади. Шунингдек, 500 дона бедана тухуми ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Ишчи ўринлари сони беш нафардан ўн бир нафарга етади. Товуқ патидан ёстиқ ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаяпмиз. Бу бўйича тикувчилик цехини қурдик.

Ҳа, тадбиркор Арслон Аминов ўз сўзининг устидан чиқадиган тажрибали мутахассислардан.

— Анча вақтлардан буён ишсиз эдик. Арслон аканинг таклифи билан бу ерга келдик, — дейди ишчилардан Муҳаммад ва Маъмур Баҳодировлар. — Бу ердаги меҳнатнинг ўзига яраша гашти ва даромади бор, дея таъкидлашди улар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Ташкентский городской филиал ОАО "Kapital sug'urta" уведомляет всех заинтересованных лиц об утере бланков нижеследующих страховых полисов по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств:**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | KS0103805 | утерянных | 32 | KS0076986 | утерянных |
| 2 | KS0107838 | утерянных | 33 | KS0087552 | утерянных |
| 3 | KS0107843 | утерянных | 34 | KS0087591 | утерянных |
| 4 | KS0050500 | утерянных | 35 | KS0087664 | утерянных |
| 5 | KS0076536 | утерянных | 36 | KS0087879 | утерянных |
| 6 | KS0076539 | утерянных | 37 | KS0087908 | утерянных |
| 7 | KS0076540 | утерянных | 38 | KS0087909 | утерянных |
| 8 | KS0076541 | утерянных | 39 | KS0087945 | утерянных |
| 9 | KS0076542 | утерянных | 40 | KS0087953 | утерянных |
| 10 | KS0076543 | утерянных | 41 | KS0087954 | утерянных |
| 11 | KS0076544 | утерянных | 42 | KS0087961 | утерянных |
| 12 | KS0076545 | утерянных | 43 | KS0087962 | утерянных |
| 13 | KS0076546 | утерянных | 44 | KS0087963 | утерянных |
| 14 | KS0076547 | утерянных | 45 | KS0087964 | утерянных |
| 15 | KS0076549 | утерянных | 46 | KS0087965 | утерянных |
| 16 | KS0076550 | утерянных | 47 | KS0087966 | утерянных |
| 17 | KS0076552 | утерянных | 48 | KS0087967 | утерянных |
| 18 | KS0076553 | утерянных | 49 | KS0087968 | утерянных |
| 19 | KS0076554 | утерянных | 50 | KS0107827 | утерянных |
| 20 | KS0076555 | утерянных | 51 | KS0087969 | утерянных |
| 21 | KS0076556 | утерянных | 52 | KS0087970 | утерянных |
| 22 | KS0076557 | утерянных | 53 | KS0087972 | утерянных |
| 23 | KS0076613 | утерянных | 54 | KS0087973 | утерянных |
| 24 | KS0076614 | утерянных | 55 | KS0087974 | утерянных |
| 25 | KS0076674 | утерянных | 56 | KS0087977 | утерянных |
| 26 | KS0076677 | утерянных | 57 | KS0087978 | утерянных |
| 27 | KS0076894 | утерянных | 58 | KS0087979 | утерянных |
| 28 | KS0076902 | утерянных | 59 | KS0087980 | утерянных |
| 29 | KS0076903 | утерянных | 60 | KS0087981 | утерянных |
| 30 | KS0076932 | утерянных | 61 | KS0087982 | утерянных |
| 31 | KS0076980 | утерянных | 62 | KS0087983 | утерянных |

**Ташкентский городской филиал ОАО "Kapital sug'urta" просит считать вышеуказанные утерянные полиса недействительными.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига асосланган ҳолда, 2010 йил учун эпизоотияга қарши ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишда талаб этиладиган ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикумларини харид қилиш мақсадида 2010 йилнинг 26 февраль куни очиқ тендер эълон қилади:**

| № п/п | Наименование ветеринарных препаратов и диагностикумов | Ед. измерения | Наивысшая цена (сум) | № п/п | Наименование ветеринарных препаратов и диагностикумов | Ед. измерения | Наивысшая цена (сум) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Туберкулин ППД для млекопитающих | доза | 111 | 9 | Вакцина против оспы овец | доза | 37 |
| 2 | Маллеин (аллерген для сап лошадей) | доза | 192 | 10 | Вакцина против брадзота | литр | 24000 |
| 3 | Вакцина против ящура (тип А, О, Азия-1) | доза | 660 | 11 | Антирабическая жидкая культуральная инактивированная универсальная вакцина "Биокан-R" из штамма "Внукова-32" | доза | 1143 |
| 4 | Вакцина против лептоспироза ж-х (II-вариант) | доза | 400 | 12 | Вакцина против бешенства УзНИВИ | литр | 111000 |
| 5 | Вакцина против сибирской язвы животных из штамма 55 ВНИИВВиМ | доза | 28 | 13 | Вакцина чумная сухая живая | чел/доз | 209 |
| 6 | Вакцина против эмкара крс и мрс | литр | 240000 | 14 | Вакцина против чумы птиц из штамма "Н" | доза | 3,3 |
| 7 | Вакцина против бруцеллёза из шт "РЕВ-1" | доза | 140 | 15 | Средство против Цестодоз собак (1таб. на 10 кг.ж/в) | табл. | 50 |
| 8 | Вакцина против бруцеллёза из "шт-19" | доза | 335 | 16 | Купочные средства против болезни Ку – лихорадка | литр | 25000 |

Товарлар амалдаги ветеринария қонунчилиги талабларига жавоб берган ҳолда тендер шартларида кўрсатилган муддатларда етказиб берилиши талаб этилади.

Ишчи орган номи: Давлат ветеринария Бош бошқармаси.

Таклифлар 2010 йил 25 февраль куни соат 18.00 гача қабул қилинади.

Тендер ҳужжатларининг нархи: 200 000 (икки юз минг) сўм, хорижий таъминотчилар учун 300 (уч юз) АҚШ доллари.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш йўли билан.

Ветеринария препаратларининг баҳоси (нархи) Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 55-бандига асосан тегишли вазирлик ва идораларнинг бозор коньюктурасини ўрганиш натижасида берган хулосаларига асосан ўзгариши мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21а-уй. Мурожаат учун телефонлар: 276-49-92, 276-90-85.**

